

Пресс-релиз. 2023-йил 19-октабр куни Тошкентда Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармонлар учун асосий бизнес-форум бўлиб ўтди.

// 18.10.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzbekiston-tatariston-ishbilarmonlar-biznes-forumi-bulib-utdi>



Дастур доирасида қуйидаги спикерлар сўзга чиқишди:

- Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари Хуррам Тешабаев;
- Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги савдо вакили Константин Злигостев;
- Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислон Жасимов;
- "Татаристон Республикаси савдо-саноат палатаси" уюшмаси раиси Шамил Агеев;
- "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси Тимур Муҳамеджанов;
- "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки дирекцияси директори Жаҳонгир Абдурахмонов;
- "Ўзкимёсаноатлойиҳа" АЖ бош директори Искандар Аҳмеджанов;
- Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шукрулло Мўминов;
- Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг халқаро солиқ солиш бўлими бўлими бошлиғи Рано Алишаева;
- "Татаристон Республикаси савдо-саноат палатаси" уюшмаси раисининг ўринбосари Марат Ахматов.

Форум иштирокчиларининг Татаристон Республикаси раиси Рустам Минниханов номидан табригини Татаристон Республикаси бош вазирининг ўринбосари-Татаристон Республикаси саноат ва савдо вазири Олег Коробченко ўқиди.

Тадбир доирасида хорижий инвесторлар учун роад-шоу, Б2Б учрашувлар, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказилди.

Бизнес-форум доирасида иштирокчилар "Жиззах" технопарки билан ҳам танишадилар.

"Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки матбуот хизмати